

ЎЗБЕК ТИЛИДА КАСАЛЛИК НОМЛАРИНИНГ ДИСФЕМИЗАЦИЯСИ

Абдурахманова Мадина Улугбековна

Андижон давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336405>

Аннотация. Уибу мақолада ўзбек тилида касаллик номларининг дисфемизацияси тадқиқ қилинмоқда. Шунингдек, мақолада нима учун одамлар орасида авваллари одобсизлик, уят, табу хисобланган ифодалардан фойдаланиши даражаси кенгайгандиги тўғрисида ҳам фикрлар ёритилган.

Калим сўзлар: дисфемизм, дисфемизация, касаллик, касаллик номи, атама.

ДИСФЕМИЗАЦИЯ НАЗВАНИЙ БОЛЕЗНЕЙ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация. В данной статье исследуется дисфемизация названий болезней в узбекском языке. Также в статье рассматривается, почему вырос уровень употребления в народе выражений, ранее считавшихся непристойными, постыдными и табуированными.

Ключевые слова: дисфемизм, дисфемизация, болезнь, название болезни, термин.

DYSPHEMISATION OF DISEASE NAMES IN THE UZBEK LANGUAGE

Abstract. In this article, dysphemisation of disease names in the Uzbek language is studied. The article also discusses why the level of usage of expressions that were previously considered obscene, shameful, and taboo among people has increased.

Keywords: dysphemism, dysphemisation, disease, disease name, term.

КИРИШ

Аввало, дисфемизация атамасига таъриф берсак. Дисфемизация (қадимги юонча дүсфөміт «баднұтқилик, ёмон сўзларни ишлатиш») салбий семантик тус бериш ёки нутқинг ифодалилигини ошириш учун дастлаб нейтрал бўлган тушунчанинг қўпол ёки одобсиз шаклидан фойдаланиш, масалан: *кет ўрнига даф бўл, юз ўрнига башира, бош ўрнига калла* каби.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари учун 2020 йилда чоп этилган 11 синф дарслигида дисфемизмга қуйидагича таъриф берилган: дисфемизм (грек тилида бу сўз «қўпол гапирмоқ» маъносида қўлланган) дейилади. Масалан, ёмон бўлибди тушунчаси учун қўлланган *расво бўлибди, касал* тушунчаси учун қўлланган *дард урибди* ифодалари дисфемизмга мисол. Нутқда дисфемизмни кўп қўллаш кишининг маданиятсиз эканини кўрсатади [1].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Она тили қомусида дисфемизмга қуйидагича таъриф берилган: Дисфемизм нарса ва ҳодисаларни ўз номи билан эмас, балки бошқа бир қўполроқ сўз ёки сўз бирикмаси, ибора билан аташ ҳолларининг учрашидир. Масалан, инсонга нисбатан ишлатиладиган ўлмоқ сўзи ўрнида *жойи жсаҳаннамдан бўлди, асфалософилинга равона бўлди* иборалари, ҳомиладор сўзи ўрнида бўгоз сўзларини ишлатиш ҳоллари ҳам учраб туради. Сўз ёки сўз бирикмаси, ибора бундай қўпол маънода қўлланганда дисфемизм дейилади. Дисфемизм грекча дисфемисмо сўзидан олинган бўлиб, “қўпол ифода” деган маънони билдиради ва эвфемизмга зид туради. Дисфемизмлар сўзлашувда маданий савияси паст кишилар нутқида учрайди. Бадиий асарларда, одатда, салбий феъл-атворли кишилар нутқида кўзга ташланади [2].

Х.Қодированинг таъкидлашича дисфемизм иккинчи жаҳон урушидан кейингина турли иллатлар (гиёхвандлик, фохишибозлик, ўғрилик, етимлик) авж олгач, эвфемик бирликлар қаторида нутқ сатҳида етарли даражада ўз ўрнига эга бўла бошлаган ва тилшунослик тадқиқ манбаига айланган [3].

XXI аср техника-технология, ахборот алмашинишнинг жадаллашуви, барча соҳалардаги глобаллашув ва сўз эркинлиги тамойилларининг ривожланиши билан ажралиб туради. Сўз эркинлиги бутун дунёда айнан мана шу асрда олдинги асрларга қараганда қатъий ўрнини эгаллади. Бунинг натижаси ўлароқ, авваллари одобсизлик хисобланган, уят хисобланган, табу хисобланган ифодалардан фойдаланиш даражаси кенгайди. Айниқса, бу ҳолат ҳозирги давр ёшлари орасида анча урф олган. Бунинг сабаблари сифатида интернет тармоқлари орқали бемалол дунёning ҳохлаган қисмидаги инсонларнинг бир-бири билан мулоқот қила олишлари, фикр алмашина олишлари ва бунинг натижасидаги бошқа менталитетга хос одатларни ўзлаштиришнинг тезлашганлигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ўзбек тилшунослигида дисфемизлар тилнинг алоҳида ифода бирлиги сифатида ўрганилмаган. Бу ходисанинг кам ўрганилганлигига сабаб қилиб маданий мулоқотни амалга оширишда қўпол сўзларнинг ишлатилиши мумкин эмаслиги, бадиий асарларда одоб нуқтаи назаридан бундай ифодаларнинг қўлланилиши тўғри келмаслиги каби ҳолатларни айта оламиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздай ўзбек тилшунослигида дисфемик ифодаларнинг тадқиқи алоҳида ўрганиш обьекти бўлмаган. Дисфемизм ҳақида олиб борилган илмий ишлар сифатида Х.Б.Қодированинг “Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемиздан фойдаланиш маҳорати” [4] номли номзодлик диссертациясини, шунингдек, “Ўзбек тилилда эвфемизм ва дисфемизм” [5] номли ўқув қўлланмаларини санаб ўтишимиз мумкин.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Демак, дисфемик бирликлар айтиш ва ишлатиш мумкин бўлмаган тил бирликлари, яъни табулардир. Масалан, *чаён* сўзи тилга олинмайди. Бу ўзбек тилига хос. Чунки уни аташ чакириш маъносини беради, деб тушунилади. Маълумки, бу ҳашарот заҳарли бўлиб, заҳари ниҳоятда ўткир. У чақса, қаттиқ азоб беради. Шунинг учун унинг номи ўзбекларда тақиқ қилинган. Яъни, *чаён* сўзини тилга олмасликнинг ўзи табу деб қаралади. Шунга ўхшаш яна *куйдирғи* сўзи ҳам ўзбек иримига кўра тилга олинмайди. Чунки бу номдаги яра ҳам ўз ўтиш кечимиға кўра ниҳоятда даҳшатли бўлиб, ўлимга олиб боради. Шу кунда яна *рак* сўзи тилга олинмайдиган бўлди. Унинг ҳам давосиз касаллик экани шунга сабаб ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси иримга кўра табу қилинган [6].

Кўриб турганимиздай, дисфемизлар одоб-аҳлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган, тингловчини қўнглини оғритиб қўйиши мумкин бўлган тил бирликлари экан. Ушбу мақолада касаллик номлари устида тадқиқот олиб бораётганлигимизни инобатга олсак, касаллик номлари тингловчи ва сўзловчи учун бироз ёқимсиз ва ноқулай ҳиссиётларни вужудга келишини инобатга олишимиз даркор. Одатда бундай тил бирликлари эвфемизация қилишни тақазо этади, аммо, бадиий асарларда ва оғзаки нутқда, ҳаттоқи касаллик ҳолатларини ҳам янада салбий тусга бўяб, дисфемик қўллаш ҳолатлари учраб туради. Масалан, жуда озгин инсонга нисбатан қўлтомоқ атамасини қўллаш, бирор нарсани топа олмаётган инсонга нисбатан қўр атамасини қўллаш, ранги “синик” одамга

нисбатан сил атамасини қўллаш, жаҳли тез инсонга нисбатан тутқаноги бор деган иборани қўллаш, йўталаётган инсонга нисбатан қўйўтал атамасини қўллаш, жинни, аҳмоқ, довдир деган касаллик номларини оддий, кундалик сўзлардек қўллаш ва ҳ.к. мисол қўришимиз мумкин.

МУХОКАМА

Шунингдек, баддий асарларда хам касаллик номларининг дисфемизмга учрашини қўришимиз мумкин:

1- мисол. «Булбулигўё»нинг кўзи аганаб ётган сопол обдастага тушиди. Обдастанинг жўмраги синган эди. У жаҳли чиқиб обдастани жойига қўйди-да, индамасдан қайтиб кетди ва ош сузар экан, дўнгиллар эди: «Худо кўтарсин, шабқўр... ўлимтик!..» [7]

А.Қаҳхорнинг “Сароб” романидан келтирилган ушбу парчада “Худо кўтарсин, шабқўр... ўлимтик!..” жумласида кўзи яхши кўрмайдиган қаҳрамонга нисбатан, аниқроғи унинг заиф томонига танқидий, ҳақоратомуз муносабат ифодаланмоқда, дисфемик ифодалар, шабқўр... ўлимтик қўлланилмоқда.

2- мисол. Шоикром ўн кунча илгари ишига кетаётиб бирров кириб укасидан ҳол сўраган эди. Ўшанда Шонеъматнинг қоқсуяк бўлиб қолганини, катта-катта кўзлари нимагадир чуқур маъно билан ўзига тикилганини кўрган эди [8].

Ўткир Ҳошимовнинг “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоясидаги ушбу парчада сил касаллигига чалинган Шонеъматнинг ҳолати “қоқсуяк бўлиб қолган” ибораси орқали дисфемик ифодаланаётганлигини қўришимиз мумкин.

3- мисол. Ҳакимжон сўфиға тикилди. Бурунги сўфидан, яқиндагина келиб бир ҳафта ётиб кетган сўфидан асар йўқ. Унинг ранги, мачитнинг жайдари шамидек, сап-сариқ... гўё касалдан яқиндагина бош кўтарган [9].

А.Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”идан келтирилган ушбу парчадаги “Унинг ранги, мачитнинг жайдари шамидек, сап-сариқ... гўё касалдан яқиндагина бош кўтарган.” ибораси орқали қаҳрамоннинг кўриниши дисфемик тарзда ифоданаётганлигини қўришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, дисфемизм тушунчаси тилда қўпол шаклда ифодаланадиган сўз ва иборалардир. Касаллик номларининг дисфемизмлари сўзловчининг тингловчига нисбатан масхара, истехзоли, илтифотсиз қарашини, муносабатини ифодалаш мақсадида, ҳамда касаллик ҳолатини янада салбийроқ таърифлашда қўлланади.

REFERENCES

1. B. Mengliyev va b. Ona tili. 2-qism. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 11-sinfi uchun darslik. – T.: O‘qituvchi, 2020. – 96 b. – B. 34.
2. Mengliyev B., Xoliyorov O‘. Ona tili. Qomus. – T., 2009. – 270 b . – B. 35.
3. Қодирова Х.Б. Ўзбек тилида эвфемизм ва дисфемизм//Ўқув услубий қўлланма. Тошкент, 2013. – 48 б. – Б. 32.
4. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемиздан фойдаланиш маҳорати: Фил. фан. номз. дис. автореф. – Т., 2012. – 26 б.
5. Қодирова Х.Б. Ўзбек тилида эвфемизм ва дисфемизм// Ўқув услубий қўлланма. – Тошкент, 2013.
6. Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2010. – 288 б. – Б. 121.
7. А.Қаххор. Асарлар . Беш жилдлик. Биринчи жилд. Сароб. Роман. Ҳикоялар. – Т.: Faafur Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 336 б. – Б. 224
8. Ўткир Ҳошимов. Урушнинг сўнгти қурбони (ҳикоя). <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/otkir-hoshimov/otkir-hoshimov-urushning-songgi-qurbanzi-hikoya/>
9. Абдулҳамид Чўлпон. Кеча ва кундуз. Биринчи китоб Кеча. – Т.: Шарқ, 2000. – 287 б. – Б. 273.
10. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%94%D0%B8%D1%81%D1%84%D0%B5%D0%BC%D0%B8%D0%B7%D0%BC>